

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ
«ЭТИКА ВА ЭСТЕТИКА» КАФЕДРАСИ**

КУРС ИШИ

Мавзу:

Адолат тушунчаси ва унинг ижтимоий аҳамияти.

Бажарди: ЎзМУ фалсафа факультети
фалсафа йўналиши 2-курс талабаси
Г. Алиева

Текширди: Ф.Ф.Д. профессор М. Нурматова

Тошкент-2012

Адолат тушунчаси ва унинг ижтимоий аҳамияти.

Режа:

Кириш.

I.Боб. Адолат инсон ҳатти- ҳаракати ва жамият тараққиётининг бош мезони.

1.1. Адолат тушунчасининг ўтмиш тарихий даврларда турлича талқин қилиниши.

1.2. Адолат ва унинг асосий мезонлари.

II.Боб. Ёшлар дунёқарашини шакллантиришда ижтимоий адолатнинг ўрни.

2.1. Оила ва маҳалла адолатпарвар инсон тарбиясининг бош мактаби.

2.2. Раҳбар адолати ва етакчилик маъсулияти.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Тадқиқот мавзунинг долзарблиги. Адолат инсонийликнинг мардлик , ҳалоллик, ва тўғрилик, оддийлик ва камтарлик , имон ва эътиқод, самимийлик ва садоқат, уятчанлик ва ор-номусдан иборат олийжаноб фазилатлар қаторида алоҳида аҳамият касб этади. Адолат бор жойда садоқат, меҳр оқибат ва барака бор. У инсонларни ғолибликка, аҳиллик ва иноқликка чорлайди. Тинчлик, осойишталикнинг, ўзаро ишонч ва ҳурматнинг замини ҳам адолатдир. Адолатсиз муҳитда эса келишмовчилик ва зиддиятлар илдиз отиб, каттадан-катта ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ўпирилишлар содир бўлиши мумкин. Адолат жамият , давлат ва кишилик ҳаёти учун ўта зарур ва улуғ неъмат.

Шунинг учун ҳам адолат муаммоси доимо инсоннинг диққат марказида бўлиб келган. Ва у инсониятнинг ижтимоий-сиёсий онги ва ҳаётида жуда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддасида “Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фуқаролигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади”¹ – деб қонунийлаштириб қўйилганлиги ҳам фикримиз далили бўла олади. Адолат шу қадар ҳамма нарсани ўз ўрнига қўя биладиган фазилатки, у ахлоқ-одоб қоидаларидан, ақл-идрок ва омма ҳаётининг ўзидан келиб чиқадиган, инсонни баркамоликка эриштирадиган энг олий фазилатларнинг негизидир.

Ушбу мавзунинг долзарблиги шундаки Президентимиз таъкидлаганларидек, биз шунчаки демократик давлат эмас, балки адолатпарвар демократик давлат куришга интилмоқдамиз. Адолатга интилиш халқимиз руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусиятдир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси .Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010 й.

Зеро, маънавий замин мустаҳкам, асрлар мобайнида шаклланган илғор анъаналар, тараққиётга хизмат қиладиган урф-одатлар ва қадриятлар асосига қурилган адолатпарвар сиёсатгина ҳаётийдир.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади адолат тушунчаси ва унинг ижтимоий аҳамиятини кўрсатиб бериш ва турли жиҳатлардан ёндошган ҳолда моҳиятини очиб бериш.

Ушбу мақсаддан келиб чиқадиган вазифалар қуйдагича:

Биринчидан: Адолат тушунчасининг тарихий даврлардаги талқинларини кўрсатиб ўтиш;

Иккинчидан: Адолат тушунчасининг жамият тараққиётининг бош мезони сифатидаги ўрнини кўрсатиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети: Тадқиқотнинг объекти И.А.Каримов асарлари шунингдек бошқа мутақаккирлар ижодида илгари сурилган адолат тушунчасига доир қарашлар. Предмети, бугунги кундаги адолат тушунчасининг амалий аҳамиятини кўрсатиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг назарий ва метадологик асоси: Мазкур курс ишининг илмий назарий концепциясини белгилаб олишда И.А. Каримов асарлари, маъруза ва суҳбатларидан олинган маълумотлар, шунингдек мавзуга оид олимларимизнинг назарий фикрлари, хулосалари методологик асос вазифасини ўтайди. Шунингдек, муаммони ўрганишда диалектик, тарихийлик ва мантиқийлик, қиёслаш ва илмий холисликка илмий билиш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: Адолат тушунчаси ва унинг ижтимоий аҳамиятини ўтмиш, тарихий давр ҳамда бугунги эркин фуқаролик жамиятидаги талқин булиш шакли кўрсатиб ўтилади.

I.Боб.

Адолат инсон ҳатти- ҳаракати ва жамият тараққиётининг бош мезони.

1.1. Адолат тушунчасининг ўтмиш тарихий даврларда турлича талқин қилиниши.

Адолат , араб тилида одиллик ва тўғрилиқ маъносини билдириб , у ижтимоий, фалсафий, ахлоқий ва ҳуқуқий тушунчалар туркумига киради.

Халқимизнинг энг қадимги оғзаки ижодида ҳам, ёзма манбаларда ҳам адолат тушунчаси ҳақида фикр юритилганда, у инсонлар ўртасидаги эзгулик, одамийлик, яхшилик тамойили сифатида қайд этилади. Дарҳақиқат, адолат сўзининг замирида қанча-қанча ҳикмат бор, ҳар бир инсон қалбан, жисман адолатга интилади.

Чунончи, аждодларимизнинг қадим битиги бўлмиш “Авесто”да сиёсий-ҳуқуқий меросимиз тарихи ҳамда юртимизда яшаган эл-элатлар, афсонавий қаҳрамонлар, салтанатлар, давлат ва унинг бошқарув тизими, халқларнинг машғулоти баён этилади. Унда зардуштийлик динининг қонун-қоидалари билан бирга, ижтимоий ҳаёт, жумладан, ота-онанинг фарзанд олдидаги ва фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчи ҳақида ёзилган.

«Авесто»да инсон ижтимоий меҳнати туфайли барча ёмонликдан, ёвузликдан қутулиши мумкинлиги ғояси ётади. ўразгўйлик, ҳасад, манманлик, ўғрилиқ, талончилик, ноҳақлик иллатлари қораланади. Ушбу иллатларга қарши курашиш жамиятда адолат қарор топишига олиб келиши қайд этилади. “Ҳақ сўздан ўзга ҳеч нарса тўғрисида ўйлама, ҳақ сўздан ўзга ҳеч нарса тўғрисида суҳбатлашма, ҳаққоний амалдан ўзга ҳеч нарса билан шуғулланма”, - деб ёзилади “Авесто”да.

Ҳурматли юртбошимиз “ Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин” номли маърузаларида шундай дегандилар:

“Адолат ҳақида жуда чиройли гапириш мумкин. Аммо гап чиройли ва узоқ гапиришда эмас, балки ҳаётда адолатни ўрната олишда”.

Лекин минг йиллар давомида инсонга ҳамроҳ бўлиб келган ана шу адолат учун бўлган курашда инсоният мисилсиз қурбонлар ҳам берган. Адолат муаммоси қадимда ҳам, ҳозир ҳам инсониятнинг диққат марказида энг долзарб масала бўлиб келмоқда.

Аввало маънавий қадриятларимизни англатувчи адолат тушунчаси ҳар бир тарихий даврда турлича изоҳлаб келинган.

Масалан, ҳукмрон синфлар ўз манфаатларига мос тартибларни ахлоқий ва ҳуқуқий меёрлар ёрдамида ёқлаб уларни адолатли деб таърифлаганлар. Мазлум синфлар эса уларни янги, ўз манфаатларига монанд, адолатли муносабатлар билан алмаштиришни талаб қилганлар. Шу свбабдан жамиятда ҳамма вақт нима адолатли ва нима адолатсиз деган масала атрофида мунозара кетган, улар адабиёт ва халқ ижодиётида ўз ифодасини топган.

Жумладан XI асрда яшаб ижод этган атоқли давлат арбоби, илк туркий достоннавис шоир Юсуф Хос Ҳожиб шундай дейди.

Адолат учун ҳамма оёққа турар,
Қарорли учун ерда ўт, ем унар.
Тетик бўлсин, эй бег ва қилсин тоқат,
Адолатли бўл, халққа қил марҳамат.

Маърифатли жамият маърифатли, маънавияти юксак, адолатпарвар инсонлардан таркиб топади. Бундай жамиятда соғлом ақл-идроқ, соғлом фикр ва адолат устуворлик қилади ва бу йўлда фидоий донишмандлар кураш олиб борадилар. Бунга Шарқ цивилизациясининг ютуқлари, ўтмиш

аждодларимизнинг маданий ва маънавий бойликлари яққол мисол бўла олади.

Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Абул Қосим Маҳмуд Замахшарий, Абу Наср Фаробий, Абдурахмон Жомий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Алишер Навоий, Хўжа Самандар Термизий, Амир Темур, Низомий Ганжнавий, Муҳаммад Жавҳар Заминдор, Муҳаммад Жабалрудий, Абулбарокат Қодирий, Фариддин Аттор, Маҳмуд Асад Жўшон, Абу Бакр ал-Хоразмий, Мунис Хоразмий каби Шарқнинг юзлаб оламга машҳур донишмандлари ўтганки, уларнинг инсон ҳақида, ҳаёт, борлиқ, инсоний ахлоқ ва одоб, маънавий камолот ва адолат ҳақида қолдирган мерослари, аъло фикрлари ҳозирги авлодни ҳам яхши ахлоққа тарғиб этишда, уларнинг руҳий оламини бойитиш, қалблари маърифат нури билан сийлаш ва ёшларни адолатпарвар гўзал ахлоқли инсон қилиб тарбиялашда мислсиз аҳамият касб этиб келмоқда.

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий ҳам шоир, ҳам давлат арбоби сифатида адолатни ёқлади, бутун умри давомида уни тараннум этди. Навоийнинг адолат тўғрисидаги сиёсий қарашлари унинг ўлмас асарларида, хусусан, “Садди Искандарий”да ўз аксини топди. Улуғ шоир бу дostonда адолатли шоҳ образини яратиш билан адолатли давлатга, тартибга эришишни орзу қилади.

Буюк Алишер Навоийнинг замондоши, “Искандар ойнаси”, “Анварӣ Суҳайлий”, “Ахлоқи Мухсиний”, “Калила ва Димна”, “Махзаи-ул-иншо” каби кўплаб дунёга машҳур китобларининг муаллифи Ҳусайн Воиз Кошифийнинг адолат ҳақиқат ҳақидаги доно фикрлари ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Жумладан у шундай дейди:

“Агар адолат ҳимоя қилинмаса, заиф ва кучли одамлар йўқолиб кетади. Мадомики, заифлар қирилиб кетар экан, кучлилар ҳам омон

қолмайди. Чунки кишиларнинг турмуши бир-бири билан ўзаро боғлиқ . Хулласи калом, халқнинг ахволи адолатсиз яхшиланмайди”.

XVI асрда Ҳиндистонда яшаб ижод этган тарихчи олим Абулбарокат Қодирий Бобурийлардан Акбаршоҳ даврида “ Качкўли Султоний “ номли асарини ёзади. “ Качкўли” гадойларнинг нарса соладиган идиши, гадойлар нима топса, качкўли идишига аралаштириб ташлайверганлар. Баъзи олим ва шогирдлар ҳам ҳаёлга келган фикрини ифодалаб ёки бошқа олимларни асарларидан ёқтириб қолган ҳикмат ва ҳикоятларни тўплаб китоб шаклига келтирганлар ва уни “ качкўл” деб атаганлар. Бу нарса Шарқда анчагача айланиб қолган.

Хусусан Қодирийнинг “ Качкўли Султоний” китобида шундай бир ибратли мисол келтирилади:

Жамшид ҳам Анушервал каби тўртта узук ясади, унинг ҳар бирига биттадан сўз ёздириб қўйган эди.

Биринчи узукда “Охисталик ва чора” деган сўзлар ёзилган бўлиб, бунинг маъноси: “Шошилиш ёмон хислат, барча ишларни шошилмай, чора-тадбирини топиб қилмоқ керак” демакдир.

Иккинчи узукнинг кўзига “ Одиллик ва иморат” сўзлари ёзилган эди. Бунинг мазмуни: “ Мамлакатда адолат билангина иттифоқлик ва раванк иморатини тиклаш мумкин” дегани эди.

Учинчи узук кўзига: “Ростлик ва шошилиш” сўзлари ёзилган эди. Бунинг маъноси : “ Дўстларга фақат рост сўзлаш керак дегани эди.

Тўртинчи узук кўзига: “Жазо ва инсоф” сўзлари ёзилган бўлиб, бунинг маъноси: “Бировни жазога тортаётган пайтда инсоф юзасидан иш кўриш керак” дегани эди.

Жамшид ҳар бир узукни шу узук кўзидаги сўзлар мазмунига оид ишга қўл урганида тақиб олар ва унга доим қараб турар эди.

Демак, ҳар бир ишни адолатли ҳал қилиш учун инсон аввало ўз сўзи, кўнгли, қалби ва виждони билан кенгашиб олмоғи, ховлиқмай, шошқалоқликка йўл қўймасдан ёндашмоқ лозим. Зеро, шошқалоқлик пушаймонликнинг синглисидир, дейди донишмандлар.

Адолатпарварликка оид олижаноб инсоний фазилатлар айниқса Соҳибқирон Амир Темур шахсига хос эди.

“ Ўғилларим миллатнинг роҳати, саодатини сақламоқ учун сизларга колдираётган васият ва тузукларни яхши ўқинг, асло унутманг ва тадбиқ этинг.

Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифларни кўринг, йўқсилларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва эзгулик қилмоқ доимий дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин”.

Тарихий манбаларда келтирилишича, Амир Темур пири Тайободийга мурожаат қилиб маслаҳат сўраганида шайх унга фотиҳа бераётиб бир чиғаноқ узук ҳадя этади. Узукнинг кўзига форсча “русто-рости” сўзлари битилгандики, маъноси “ куч адолатда” демак эди. Кўхна тарихимизнинг гувоҳлик билдиришича Соҳибқирон Амир Тумур бутун умри давомида пирининг шу ҳикматига амал қилган ҳолда ҳокимиятни бошқарган ва ҳамиша зафар қозонган. Ана шу ҳикматга ихлоси баланд бўлганлиги учун ҳам Темур уларни уч иқлимни ифодаловчи бодомсимон белгига номи билан қўшиб муҳр ясатади.

Темур тамғасининг нақши “ русто- рости” бўлиб, ҳақгўй бўлсанг, нажот топасан демакдир.

Унинг отларидаги тамға, танга, тиллаларига зарб бериладиган белги ҳам уч ҳалқадан иборат эди. Битикларда таъкидланишича Темур беғараз, барчага бир хил жиддий ва одил қарайди, ҳеч бир кимсани бошқасидан фарқ қилмайдиган, бойни камбағалдан устун қўймайдиган, ҳалойиққа

рахмдил, барчага наф келтирувчи, ҳалойиққа ёрдам қилишни яхши кўрадиган, Шарқнинг буюк донишманди эди.

“Адолат ва инсоф билан яратганнинг бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Ҳайр-эҳсон ишлари билан одамлар кўнглидан жой олдим...” дейди, у ўз тузукларида.

Асримизнинг энг етук, инсонпарвар, фидойи, ҳақиқатпарвар, адолатли раҳбар ва мутафаккири ким деганда Ўзбекистон Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов деб, эътироф этиш ҳеч муболағасиз адолатдан бўлади.

Халқимиз руҳига узоқ йиллар давомида жароҳат етказган тоталитар тузумнинг ғайри-ахлоқий сиёсати асоратларини кескин тугатиш, адолатпарвар демократик давлат қуришга асос солиш, Шарқ цивилизацияси ютуқларини, ўтмиш аجدодларимизнинг маданий – маънавий бойлигини ҳар томонлама ўрганишга пухта замин яратилиши ва юртбошимизнинг “Адолат, ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ”, “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида”, “Юксак маънавият- енгилмас куч”, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” каби асарларида адолатнинг ҳар бир ишимизда доимий ҳамроҳ ва дастуримиз эканлигини белгилаб бериши фикримизни далили бўла олади.

“Ўзини адолатли деб келган, лекин ўта адолатсиз бўлган Марказ Ўзбекистонга, ўзбек халқига қанча тамға босмади, қанча маломат тошлари отилмади, дегандилар юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари IX сессиясидаги маърузаларида, лекин маҳкам туриб адолатга эришдик. Ўзбекистонни бадном қилиш ўаракатларига зарба бердик. Бугун мана шу минбардан сизларга ёруғ юз билан айтаманки, “ пахта иши” билан камалганларнинг ҳаммаси авф этилди”.

Нодонлик ва хурофот, тенгсизлик ва адолатсизлик ҳукмрон жойда жаҳолат авж олади. Адолат йўқ жойда тараққиёт бўлмайди. Янги, адолатли ўзбек давлатчилиги пойдеворини барпо этишда Президентимизнинг кўрсатган ташаббус ва матонатлари тарихда абадий сақланиб қолажак. Биз Шарқ цивилизациясига мансублигимиз билан фахрланамиз чунки, Шарқ цивилизацияси халқни бўлғуси ўзгаришларга адолатпарварлик руҳида тарбиялаб боради.

1.2. Адолат ва унинг асосий мезонлари.

Юртбошимиз иборалари билан айтганда, дунёда адолат қонуни мавжуд экан, уни ҳеч ким инкор этолмайди. Эртами- кечми ҳар бир инсон ана шу қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Чунки, юқорида таъкидлаганимиздек, адолат инсон хатти-ҳаракатининг бош мезони, барча фазилатларнинг энг улуғи, ҳамма нарсани ўз ўрнига қўя биладиган, инсонни севиш, ҳурмат қилишга, ҳақ- ҳуқуқларини поймол қилмаслик ва уни ҳимоя қилишга қаратилган, ҳақиқатни амалга оширувчи, инсон хатти- ҳаракатлари ва истакларини акс эттирувчи, элнинг осойиши, юртнинг оройиши ва дунёда энг умри боқий нарса. Адолат энг гўзал ахлоқнинг тури бўлиб, уни жамийки камолотлар мажмуи, охиратда нажот, ёруғ жаҳонда саодатнинг боши дейиш жоиздир. Дунёнинг бирорта ишини адолатсиз тартибга солиб бўлмайди.

Қандай одамлар, қандай фазилат соҳиблари адолатли инсон бўлишлари мумкин?

Мард, оддий ва камтар, ҳалол ва ҳақгўй, уятчан ва самимий, виждонли ва номусли одамлар ҳеч қачон адолатсизликка йўл қўймайдилар.

Мардлик – самарали иш ва тафаккур учун зарур бўлган инсон қалбининг улуғ фвзилатларидан бири. У ҳавф-хатарларни писанд қилмайдиган, мусибатлар қаршисида тик турувчи довюрак ва жасоратли инсонларга хос, азоб чекса ҳам нолимайдиган, қаҳрамонликни ўзига бурч деб биладиган, кўркувдан жирканувчи, ҳар қандай шароитда ўзини оғир ва вазмин тута оладиган иродали ва қаътиятли инсонларга хос фазилат.

Абу Райҳон Беруний айтганларидек, мард одам шундай бўладики, эртаю- кеч душманга зарару, дўстга фойда келтиради. Номард эса ҳақни кўйиб, ноҳақ ишга кўл уради. Разилона ҳаёт кечириб, адолатдан йироқда юради.

Адолат ва ахлоқий баркамолликнинг иккинчи муҳим шарти, оддийлик ва камтарликдир. Улар инсоний кадр – қимматни англатади, обрўни ошириб, лаёқатсизликни яширади. У шу қадар олийжаноб фазилатки, одамийликнинг бошланиши, инсонни улуғликка чорлаш ҳам, манманликдан сақлаш ҳам, камтарлик ва оддийликдандир. Инсоннинг энг улуғ зийнати ҳам, либоси ҳам камтарликдир. Соддалик эса тарбияда, ўзини тута билишда, одамларга ҳурматда бўлишда, покизаликда ва каноатда ўзини кўрсатадиган баланд ахлоқий маданиятдадир. Буюк Абдурахмон Жомий шундай деганлар:

Димоғингни кўтарма, бўлмаин десанг оёқ ости,
Қамиш кеккайгани учун бўйра бўлди-ю, ҳамма босди.

Адолат ҳалоллик ва ҳақгўйликни, номусли ва виждонли бўлишни талаб қилади. Инсон ақлининг пойдевори бўлган номус ҳеч қачон эгриликка тоқат қилолмайди. Айниқса, кўпчилик учун манфаатли ишга ҳар қандай вазиятда ҳам журъат эта билиш инсонлардаги чинакам

номуслиликни англатади. Шунинг учун ҳам номусим зинҳор озор чекмасин деган одам энг оғир дақиқаларида ҳам адолат йўлида қатъият ва ирода билан иш юритади. Инсоннинг ўз мавқеини сақлаш, улуғлаш ва ардоқлаш, хижолат тортиш туйғуларини, оила ва аждодлар шаънига доғ тушурмаслик маъносини ифодаловчи номус хатто қонун тақиқлай олмаган нарсаларни ҳам тақиқлай олади.

Адолатли инсонга энг керакли зийнат виждон бўлиб, у инсон ҳаётининг одил раҳнамози ва қонунлар қонунидир.

Виждонли киши ноҳақ, адолатсиз ишлардан ғазабга келади ва буларга қаршилиқ билдиради, лекин виждон азобидан қийналмаган одам адолат ҳақида ўйламаса ҳам бўлади. Шундай экан, покликнинг сардори, одамийликнинг дуру гавҳари ва инсоннинг қадр-қимматини белгиловчи виждон адолатпарвар инсоннинг энг олийжаноб фазилати бўлиб қолмоғи лозим.

II.боб.

Ёшлар дунёқарашини шакллантиришда ижтимоий адолатнинг ўрни.

2.1. Оила ва маҳалла адолатпарвар инсон тарбиясининг бош мактаби.

Ҳаётнинг ҳар бир ишини адолат талабларига мослаб олиб боришда, ёшларни адолатга чорлайдиган ахлоқий хусусият ва одатларни чуқур хис этиш руҳида тарбиялашда оила ва маҳалланинг ўрни ва таъсири беқиёс каттадир. Чунки, инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча, адолат, ҳақиқат, тўғрилиқ, ҳалоллик ва инсоф ҳақидаги тасаввурлар биринчи навбатда оила ва маҳалла бағрида шаклланади.

Фарзандларнинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар одиллик ва ҳақиқатпарварлик, инсоф, номус ва виждон, садоқат ва олийжаноблик, меҳр-оқибат, андиша ва шарму –ҳаё, уят каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила ва маҳалла муҳитида шаклланади.

Тарбия оиладан бошланади. Она сути билан кирган хислатлар узок вақт, ҳатто бир умр сақланиб қолади. Оилада болани оқ кўнгил, софдил эзгулик тарафдори қилиб ўстириш жараёнида у адолатли бўлиб ўсади.

Аммо шуларга қарамай, оилада болаларга адолат туйғусини яхшилик билан узвий боғлиқ ҳолда сингдириш зарур. Оилада бола ёки ўсмир адолатсизлик кўрганида, уни ҳис этганида норозилик билдириш, адолатсизликни ёқотишни талаб қилишни ўрганади. Оилада кўп учрайдиган адолатсизлик турларидан бири ота-оналарининг ҳаддан зиёд нуфус талабчанлиги, якка ҳокимликка мойиллигидир. Бунинг кўринишлари, афсуски, жуда кўп, хилма-хил бўлиб, ота ёки онанинг муросасизлиги ўзини босолмай, ғазабини сочишини, шафқатсизликкача етиб бориши. Оилада кўп калтак еган, кўрқитилган болаларда адолат туйғуси заиф бўлади ёки бўлмайди. Ота ёки она ҳар қанча ёши улуг бўлса ҳам, болаларнинг софдил инсонпарвар, маънан баркамол ўсишига жиддий эътибор беришлари зарур.

Болаларни севиш, болажонлик-оилага қувонч келтиради. Аммо у меъёридан ошса, оқилона эмас, кўр-кўрона бўлса, адолатсизликка айланади. Бола оилада диққат эътибор маркази эмас, балки оиланинг тўла ҳуқуқли аъзосидир. Болага фақат шундай ёндашиш, оила аъзоларининг ўзаро меҳрибончилиги, ўзаро бурчларини ҳис этишлари ҳақиқий адолат туйғусини уйғотади.

Оиланинг “Ижтимоий онги” баландлиги ҳам муҳимдир. Оила аъзолари мамлакатда ва жаҳонда юз бераётган воқеалар ҳақида мустақил,

холис ва адолатли фикр юрита олсинлар. Инсон маънавий камолоти, ҳаётий мақсадлар оилада шаклланади. А.И.Герсен айтганидек, “Оила жамиятнинг биринчи хужайраси, адолатнинг биринчи хужайраси, адолатнинг илк боғчасидир...”. Бола ҳаётдаги дастлабки қадамлариданоқ адолат ва адолатсизликни идрок эта бошлайди.

Инсон ҳаётининг энг муҳим қисми, жамиятимизнинг кичик хужайраси бўлган оила, қолаверса маҳалла муҳитида болаликдан бошлаб нима адолатли ва нима адолатсиз, ким ҳақ, ким ноҳақлигини ўз ўзи билан кўриб, уни чуқур англаб бормаса инсоният тараққиётига, жамиятнинг ривожланишига, инсонпарварлик ва демократия қоидаларига ҳамнафас бўлган адолатпарвар инсонни тарбиялаб бўлмайди. Соғлом авлод ўстириш, адолатли, ҳалол, инсонпарвар, виждонли ва номусли инсонни вояга етказиш келажак гаровидир. Буни болаликдан, оиладан бошламасликни иложи йўқ.

Оилада фарзандлар онгига адолат тамоилларини сингдириб боришда катта ёшдаги оила аъзоларининг, хусусан ота-онанинг намунаси, уларнинг ахлоқий ва маънавий қиёфаси муҳим аҳамият касб этади.

Юртбошимиз инсонга маънавият она сути, ота намунаси ва аждодлар ўғити билан сингиб боради деганларидек, одамзот учун бир умр зарур бўладиган адолат ва унинг мезонлари ҳам фарзандларга биринчи бўлиб оилада таркиб топа бошлайди.

Истиқлол бизга маърифий, маданий адолатли, инсонпарвар мустаҳкам оила ва жамият қуриш имкониятларини яратиб берди. Шарқнинг таниқли мутаффақкири Насриддин Тусий ижтимоий адолатнинг қуйдаги учта талаби ҳақида шундай дегандилар:

Биринчи талаби аҳоли турли табақаларининг ўзаро уйғун бўлишини таъминлаш;

Иккинчидан, эл- улуснинг ҳақ-хуқуқи тенг таъминланган ҳолда, кишиларни хизматга таъйинлашда шахснинг салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиши керак;

Учинчи талаби эса, барчанинг тенг фаровонлигини ҳимоя қилиб, бу фаровонликни амалга оширишдаги хизмати ва ҳуқуқига қараб ҳар бир инсон ўз улушини олишга имкон яратиш.

Демак, бу талаблар нафақат жамият, ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ва муассасалар миқёсида, балки оила аъзолари ва маҳаллаларда ҳам тўлиқ амал қилмоғи лозим. Масалан, оилада ўзининг дангаса, лоқайдлиги ва қайсарлиги билан туғишганлари устидан ҳукмрон бўлмоқчи бўлган фарзандни ота-она адолат юзасидан танобини тортиб қўйиши керак. Ўзини тута билиш, ахлоқ –одоби, ўқиши ва меҳнатининг сифати, ҳатто саломатлигини ҳисобга олиб рағбатлантирилса, тўғри сўз, ҳалол, виждоннинг поклигини эътиборга олиш оилада адолатпарвар инсон тарбиялашнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Ота-онанинг фарзандларни, фарзандлар эса ота-онани чин дилдан қадрлай билишлари, ўзаро ҳурмат ва иззат-иқромда бўлишлари, бир-бирларининг тақдирларига бефарқ бўлмасликлари, оила манфаати учун мардлик ва жонқуярлик билан ёндашувлари ҳақиқий маънавий соғломлик ва адолатпарварликни англатади.

Президентимиз “ Давлат жамиятнинг кескин табақаланишига ошиб-тошиб кетган бойлару камбағал қашшоқларга кетишларига йўл қўймаслиги керак” деганларидек, оила аъзолари ўртасида ҳам маънавий ва моддий жиҳатдан адолатсизликка йўл қўймаслик керак.

Ўз моҳияти, фаолияти, мазмуни ва шакллари билан шарқона фикрлаш, адолатли иш кўриш тарзи каби халқимизнинг ўзига хос фазилатларини акс эттирувчи маҳалла мамлакатимиз ижтимоий сиёсий ҳаётида алоҳида ўрин эгаллайди.

Мустақиллик йилларида маҳаллалар фаолияти бутунлай янгича мазмун кашф этиб, Президентимиз айтганларидек, маҳаллаларнинг ҳар қандай масалаларни ечишга қурби етадиган бўлиб қолди. Чунки энг адолатли муҳит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фақат маҳаллада бўлиши мумкин. Ҳеч бир корхона, ҳеч бир идора ёки жамоат ташкилоти ҳар бир ишни адолатли ҳал этишда маҳалла билан тенглаша олмайди. У ерда ҳаёт тажрибаси катта, заминга яқин, кўпни кўрган, барча ишни виждонан, ҳалоллик ва инсоф билан жой- жойига қўя биладиган фидоий, мард ва қалби пок инсонлар яшайди ва фаолият кўрсатади.

Шунинг учун ҳам халқаро ҳамжамияти томонидан “ ўзбек модели” деб эътироф этилган беш тамойилнинг бири кучли ижтимоий сиёсатни адолатли тарзда амалга оширишда аввало маҳалла аҳолиси манфаатлари кўзда тутилади.

“Фуқароларнинг ўзини- ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Маҳалла ҳайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги, “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида”ги, шунингдек икки ёшгача, 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ҳақидаги фармон ва қонунларининг барчасида ижтимоий адолат масаласи бош мавзу этиб белгиланган.

Демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларини ҳал этишдаги мустақиллик шулар жумласидандир. Махсус ишлаб чиқилган низомларда ҳам кўрсатилаётган ёрдам ёки белгиланаётган нафақаларнинг сўзсиз адолатли ва адресли бўлишлиги белгилаб қўйилган.

Оила аъзоларининг, айниқса болаларнинг моддий фаровонлигини оширишда оила маъсулиятини ошириш, ҳар томонлама жисмоний ва маънавий ривожланиш, билим ва ҳунар даражасини ошириш учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиш ҳақидаги кўрсатмалар маҳаллалар

томонидан оилаларни ижтимоий ҳимоя этишнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Бинобарин, барча эзгу мақсадларимизни амалга оширишнинг бош қуроли бўлган адолат ва унинг мезонларига оила ва маҳаллада қанчалик эътибор берилса, ҳақсизлик, диёнатсизлик ва норозилик сояси бўлмайди. Аксинча барқарорлик, эзгу мақсадлар ва камолот учун кенг йўл очилиб, давлат қудратли, юрт обод ва халқ бахтиёр яшайди.

2.2. Раҳбар адолати ва етакчилик маъсулияти.

Миллий маънавиятимизнинг қадим удумига кўра раҳбарнинг, юрт бошқарувчининг энг асосий фазилати – адолат саналган. Бугун ҳам шундай. Аммо бугунги давримизда адолат тушунчаси илгариги тасаввурлардан анча фарқ қилади. Бугун воқеан адолатли бўлиш учун бир гуруҳ инсонлар жамоасини бошқариб боришни зиммасига олган одамдан кўп нарса талаб этилади.

Раҳбарлик махорати ва қобилиятида катта мазмун бор. Тўғри режа туза билиш тез қарор қабул қилиш, ишни вақтида пухта бажара билиш ҳамда малакали мутахасисларни танлаш ва адолат доирасида уларга қулай шароит яратишни ташкиллаштириш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Раҳбар адолати, элу юртга етакчилик қилишдек оғир маъсулиятни бўйнига олган одамнинг адолати айниқса бугунги кунда беқиёс аҳамиятга эгадир.

Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, халқ очликка, йўқчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди. Одил ҳукмдор, адолатли раҳбар ғояси Фаробийдан тортиб Алишер Навоийгача ва яна бошқа кўп мутафаккирларимизнинг улуғ маънавий ғояси бўлиб келган. Шарқда қадимдан жуда машҳур бўлган

“Сиёсатнома” номли асарида подшоҳ, ҳоким, амир ва беклар, замонавий тил билан айтганда, раҳбарнинг бош вазифаси ер юзини ёмонлик қилувчилардан тозалаш, жаҳонни адолат ва осойишталик билан обод қилишдан иборатдир.

Раҳбар ақлли ва билимли бўлсагина, одоб, ахлоқ, қоидаларига риоя қила олса, ўз бурчини одиллик, ҳалоллик билан бажара олса, маъсулиятини англаб, ўзаро кенгаш билан фаолият юргизса шундагина жамият истиқболли бўлади.

Илк ўрта асрнинг буюк мутафаккирларидан Абу Наср Фаробийнинг фикрича ўзида 12 туғма хислатни бирлаштирган кишиларгина ақлли ҳисобланар экан. Шулардан икkitаси адолатга таалуқлидир.

Ақлли инсон ўз табиати билан адолатни севадиган ва адолат учун курашувчиларга адолатсизликка, жабр-зулм ўтказувчиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин, ўз одамлари ва бошқаларга адолатли бўлиш, гўзал ва яхши ҳисобланган нарсаларни барчага тақдим этган ҳолда одамларни адолатга тарғиб этадиган, адолатсиз оқибатларини йўқотадиган, уларга йўл қўймайдиган бўлиши керак.

Ҳар бир одам адолатли бўлсин, аммо қайсар бўлмасин, адолат олдида қайсарлик қилиб, ўзбилармонликка берилмасин, лекин ҳар қандай адолатсизлик, пасткашлик олдида лафзли бўлсин, ўзи зарур деб билган нарсани амалга оширишда қабътийлик кўрсатсин, кўркмас, жасур бўлсин, кўрқиш ва ожизликни билмасин.

Абу Наср Фаробий ҳоким ёки бошлиқларнинг қуидаги ўн икки фазилатни мужассамлаштирган бўлишлари кераклигини таъкидлайди:

- Тўрт мучаси соғ бўлиб, ўз вазифасини бажаришда нуқсон бўлмаслиги;
- Бошлиқ табиатан нозик ва фаросатли бўлсин, суҳбатдошининг фикрларини тез англаб олсин;

- Хотиранинг кучли бўлишлиги;
- Зеҳиннинг ўткирлиги, зукколик ва сезгирлик;
- Ўз фикрини тиниқ ва равшан ифодалай билиш, чиройли сўз ва ибораларни қўллай билиш;
- Устоз кўрган, билим ва маърифатга хавасли бўлиш, ўқиш ва ўрганишда чарчаб қолмаслиги;
- Ҳар бир соҳада нафсни тия билиш, қимор ва бошқа ўйинлардан узоқда бўлиш;
- Ҳақиқатчи, одил ва тўғри одамларни ҳурмат қилиш, ёлғончилардан жирканиш;
- Ўз кадрини билиш, номусли ва ориятли бўлиш, пасткашлардан юқорида туриш, туғма олий химмат, улуғ фазилатлар соҳиби бўлиш;
- Молу- дунёга берилмаслик;
- Табиатан одил ва адолатли бўлиш, одил одамларни севиш, барчани адолатга чақириш, таниш ва бегоналарга ҳам ҳақиқат қилувчи, ноҳақ жабрланганларга ёрдам бериш, ҳар қандай ҳақсизлик ва разолатларга муросасиз бўлиш;
- Ҳар бир ишни амалга оширишда қаътиятли, саводли, журъатли, жасур бўлиш, кўрқоқлик ва ҳадиксирашга йўл қўймаслик.

Лекин бундай баркамол, етук, туғма фазилат соҳиблари жамиятда жуда кам топилади. Бу ҳол айниқса мустақилликдан олдин мамлакатимизда жуда сезилиб турарди. Бу ҳақда Президентимиз “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” номли асарларида шундай дейдилар:

“Бошқа минтақалардан жўнатилган кадрларнинг баъзилари республика эҳтиёжлари ва кулфатларига ҳамдард бўлиш у ёқда турсин,

балки партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ва бошқа органларда ўзларини раҳбар лавозимларига тайинлашларини ўзбошимчалик қилиш учун берилган ёрлик деб билдилар”.

Раҳбарнинг фаолиятига тўғри баҳо бериш ҳам адолатдандир. Содир бўлган барча нохуш воқеаларни фақат битта раҳбарнинг айби деб баҳолаш ёки эришилган ютуқларни ўчириб ташлаш одатлари собиқ қизил империя даврида одат тусига айланганди, айниқса Республикамизнинг биринчи раҳбари Шароф Рашидовга баҳо беришда. Раҳбарлар орасидаги хўжакўрсинчилик, дабдаба ва кўзбўямачилик, ошна-оғайнигарчилик ва фитна мустақиллигимиз арафасида авж олиб, содир бўлган иллатларни барчасини Рашидов номи билан боғлаш адолатдан эмас эди.

Ўтмишнинг бундай иллатларидан покланишида Президентимиз Ислон Каримовнинг хизмати ниҳоятда катта бўлди.

Ҳали мустақилликка эришмасимизданок, юртбошимиз зўр қатъият ва журъат билан шундай дегандилар:

“ Агар олий адолат мавжуд бўлса, бизнинг эътиқодимизга кўра, халқ фикри олий ҳақиқатдир, худди ана шу ҳақиқат, ўша кишининг номи билан боғлиқ бўлган, республика ҳаётидаги ўзгаришларда катта аҳамиятга эга бўлган улкан ўзгаришларни рад эта олмайди”.

Раҳбарликнинг нозик ва сирли томонлари жуа кўп. Ҳар бир масалада ўзаро кенгашиб фаолият кўрсатиш, раҳбарнинг шахсан ўзи бажариши керак бўлган ишни бошқа одамга ишониб топшириб қўймаслик, қўл остидагиларнинг бажарган ишларини мунтазам текшириб бориш, унга адолатли баҳо бериш, малакали хизматчиларни топа билиш, мансаб ва омаддан ҳаволаниб кетмай камтар бўлиш, хасис ва очофат бўлмаслик, кишиларни бошқаришда уларнинг хулқи ва мижозий хислатларни эътиборга олиш, тадбир билан иш юритиш ва тарбия

сабоқларига қатъий риоя этиш раҳбар муваффақиятининг энг муҳим гаровларидандир.

Донолар, уйнинг бекаси иккита бўлса ховли супургисиз қолади деганларидек, давлат ёки оилада раҳбар иккита бўлса, бундай давлат ҳам, хароб бўлади. Лекин ҳамма нарсани ўзим биламан деб кўпчилик билан кенгашмаган раҳбар ҳам тарзда омадсизликка маҳкум бўлади.

Катта раҳбарнинг тақдирини уни ўзи танлаган кичик-кичик амалдорлар яратади. Бу раҳбарликнинг олтин қонунидир. Ва яна энг муҳими халқ томонидан юклатилган вазифаларни амалга оширишга виждонан ёндашувдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 92-моддасида шундай дейилади:

“ Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан”

Раҳбарлик ва бошқарув ишларида порахўрлик ва таъмагирлик, виждони ва эътиқодини пулга сотиш давлат ва жамиятни пароканда қилади, жиноятчиликни кўпайтириб ҳукуматнинг емирилиши ва ватаннинг харобалигига сабабчи бўлади. Қаерда порахўрлик авж олса, ўша ерда адолат ҳам, виждон ҳам оёқ ости бўлади. Чунки порахўр ўз виждонини сотиб, ёмон одамни яхши деб мақтайди ва яхшини қоралаб жазолайди.

Порахўр таъмагирлар олимми, раҳбарми, ишчими, ким бўлишидан қатъий назар, халқ бошига битган балодир.

Шунинг учун ўам президентимиз айтганларидек, биз бугун афсус надомат билан фикр юритиб, бартараф этиш чораларини излаётган нохуш ҳолатни вужудга келтирувчи асосий сабаб шундан иборатки, кўп

ҳолларда давлат ходими, давлат хизматчиси, яъни давлат ваколатидан фойдаланадиган амалдор шу ваколатини суистеъмол қилишга интилади. Чунки унинг қўлида ваколат бор. Ана шундай ҳолда нопок ходим давлатни ниқоб қилиб, моддий бойликларни тақсимлаш, ишлаб чиқариш соҳасига қўшилиш, кадрлар масаласини ҳал этиш каби нозик масалаларида аралаша бошлайди ва натижада коррупция ва жиноятчилик, порахўрлик каби жирканч ходисалар юз беради.

Ҳаёт ўз йўлида давом этаверади. Раҳбарлар келиб кетади, эл халқ қолади. Лекин ана шу раҳбар халқ кўнглидан ўзига жой топа оладими, эса қоладиган бирон ҳайрли иш қилдими? Одамларнинг бошини қовуштириб, ўзи ибрат бўлиб, уларни улуғвор вазифаларни бажаришга сафарбар эта олдими? Ҳар бир раҳбар бу ҳақда доимо ўйлаши, ўзига ўзи савол бериб кўриши керак.

Адолатпарвар раҳбарнинг ахлоқий ҳислатлари бемалол қонун ўрнини боса олади. Барча бўғинларда адолатли, инсофли, диёнатли, билимдон, тажрибали раҳбарлар бошчилик қилмас экан, мустақил мамлакатимизнинг обрўси, унинг манфаати учун мардлик, жонқуярлик билан ишламас экан ишларимиз кўнгилдагидек бўлмайди.

Қолаверса, адолат ва қонун устуворлиги учун унинг талабларини ҳаётимизга жорий этиш учун биргалашиб курашмоғимиз фидоий бўлмоғимиз керак. Адолат ва қонун каттаю кичик, жинсидан, миллати, эътиқоди ва мансабидан қатъий назар, барчамиз учун устувор бўлмоғи даркор.

Хулоса

Жисмоний ва айниқса маънавий соғлом авлодни вояга етказиш мураккаб ва узок давом этадиган жараёндин. Шунинг учун ҳам янги авлодни тарбиялаш биздан давлат иши, давлат фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолди.

Албатта, жамиятда адолат ўзидан-ўзи жорий этилиб қолмайди. Адолат шиорини айтиш ёки ёзиб қўйиш билан иш ҳам битмайди. Ҳар бир инсон ўзи ҳаётида адолатни ҳимоя қилиши ва адолатсизликка қарши чиқа олиши зарур, бўлган ҳолатларга тушади. Ана шундай нозик ҳолатларда бировларнинг панд-насихати эмас, балки инсоннинг ички маънавий олами гўзаллиги, софлиги ёки хунуклиги, нопоклиги ёки лоқайдлиги билиниб қолади. Бундай лаҳзаларда одам танлаган маънавий ахлоқий йўл орқали маънавий дунёси қандай бўлишини белгилайди. Инсон адолатпарвар бўлиши учун доимо ва фаол равишда улғайиб, камол топиб бориши керак. Шу маънавий улғайиш адолатпарварлик шартидир.

Ёшларни ижтимоий ҳимоялашда адолат мезонларига мувофиқ боқимандалик кайфиятларига барҳам бериб, ташаббускор ва ғайратли ёшларга кенг йўл очиш ҳозирги шароитда ижтимоий адолатни қарор топтиришнинг зарур шартларидан биридир.

Мустақил, демократик, ҳуқуқий, адолатли давлатни қуриш ва мустаҳкамлаш учун жамиятимиз фаровонлиги ва миллий тикланиш вазибаларини амалга оширишга қодир ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун республикамиздаги бутун таълим тарбия маориф соҳаларида ишлаб чиқилган туб ислохотларни оғишмай амалга ошириш давлатимиз, жамиятимизнинг порлоқ келажаги учун ғоят муҳим аҳамиятга эга. Демак, адолат бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг келажаги буюк давлатимизнинг тушунчасига айланиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. И.А.Каримов “ Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари ”. Тошкент. “Ўзбекистон”, 1997 й.
2. И.А.Каримов “ Миллий давлатчилик, истиқлол мафқураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида”. Тошкент , 1999 й.
3. И.А.Каримов “ Юксак маънавият – енгилмас куч”. Тошкент. “Маънавият”, 2008 й.
4. И.А.Каримов “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”. Тошкент. “Ўзбекистон”, 2012 й.
5. И.А. Каримов «Маънавий юксалиш йўлида». Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1998 йил.
6. И.А. Каримов “Баркамол авлод орзуси”. Тошкент, Шарқ нашриёти, 1999 йил.
7. И.А .Каримов. “Адолат – қонун устуворлигида”, “Халқ сўзи” газетаси, 2001 йил 30 август.
8. А. Азизхўжаев “ Чин ўзбек иши”. “ Академия”. Тошкент , 2003 й.
9. А. Иброҳимов, Ҳ. Султонов, Н. Жўраев. “Ватан туйғуси”. Тошкент. “Ўзбекистон”,1996 й.
- 10.А. Шер “Ахлоқшунослик”. Т.: 2000.
- 11.Абу Наср Фаробий “ Фозил одамлар шахри”. А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти 1993й.
- 12.Амир Темур “ Ривоят ва ҳақиқат”. Тошкент, 1996 й.
- 13.В. Воронцов “ Тафаккур гулшани”. Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1981 й.
14. Г.А. Носирхўжаева “Этика”. Т.: 2003
- 15.И.М. Мўминов Амир Темирнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. «Тошкент», 1993 йил.

16. Ё.Ш. Жумабоев Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари. Т. 1980.
17. Ёўлдошев Ж., Хасанов С. Авестода ахлоқий таълимотий қарашлар. Т. 1992 й.
- 18.М. Имомназаров. “ Миллий маънавиятимиз назариясига чизмалар”. Тошкент. 1998 й.
- 19.М. Фозилов “ Ақл ақлдан қувват олади” (хикматли сўзлар, афоризмлар ва мақоллар) Тошкент, “ Ўзбекистон”, 1967 й.
- 20.Мустақиллик изоҳли илмий оммабоп луғат. Тошкент , 1998 й.
- 21.Н. Комилов Комил инсон – миллат келажаги. Т., 2001 йил.
- 22.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси .Т.: “Ўзбекистон”, 2010 й.
- 23.Х. Сатторий “ Амир Темур севган юрт”. Ўзбекистон, 1996 й.
- 24.Х. Хомидий ва М. Хасаний “ Машриқзамин хикмат бўстони”. Тошкент. “Шарқ” 2008 й.
25. Я. Нуриллаев “ Нажот бешиги” (Ҳикматлар). Тошкент, 2011 й.